

99 - أَذْكَ يَلُّنَّ أَجْمَعُ لَلْأَقْفِ، أَلْجَرَّ لَمَعَتْ سَأْهَنْ عُلَّ لَلْأَضْرَرَمُعْنَ أُنَّ: نَأْمُ تُعْ يَبَّ أُنَّ - ع
نَمْ مُخْرِي أَلَّ هَلَّ لَلْأُنَّ: رَمُعَ لَاقُ وَأَرْمُعَ مَعَزَفٍ، مُمْهَنْمَ أَدْحِ أَوْ تُلَّ بَقِ أَمْ، دَلَّوْلَ نَمْ أَذْكَ وَ
مُمْهَرْبَ أَلَّ إِدَابِعَ.

99. Абу Усмондан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳу бир одамни лавозимга тайинлади. У:

«Менинг фалонча болам бор, улардан биттасини ҳам ўпмаганман», деди.
Шунда Умар:

«Аллоҳ азза ва жалла бандаларидан фақатгина яхшилик қилган одамга
раҳм қилади», деди».

Шарҳ: Яъни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ўзлари мансаб берган одамдан
шу камчиликни топган эканлар. Мазкур одамнинг ўз боласини ўпмагани
шахсий камчилик сифатида баҳоланган экан. Мўмин-муслмон ота-оналар
мазкур камчиликдан йироқда бўлишлари матлубдир.

«Одоблар хазинаси» китобидан